

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ

22 апрель 2016 йил

Тошкент - 2016

15.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ. Энергетика корхоналарида ахборот технологияларини қўллашнинг жиҳатлари.....	44
16.	ЭАФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., илмий раҳбар кат.ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияни жалб этишда солиқнинг роли.....	48
17.	Студентка ФЭМ Абдурашитова Я., научный руководитель ст. пред. Аллаева Г.Ж., ТГТУ. Перспективы формирования энергоэффективной структуры промышленного производства.....	52
18.	Студент ФЭМ Аскарлов А.Р., научный руководитель ст. пред. Муратова О.М., ТГТУ. Эффективная организация рекламной деятельности.....	55
19.	ИМФ талабаси Каххаров Ж.Р., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Интеллектуал маркетинг - рақобатбардошликни шакллантириш омили сифатида.....	58
20.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ. Олтин ва кумуш – нодир металл сифатида аналитик таҳлили.....	65
21.	Студент ФЭМ Зойиров О.М., научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ. Разработка предложений по совершенствованию маркетинговой деятельности на основе внедрения информационных технологий.....	69
22.	Студентка ФТУТК Махмуджоновна М.М., научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Автомобильная промышленность как движущая сила мировой экономики и её значение для роста национальной экономики.....	71
23.	Студентка ФЭМ Усарова С., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Оптимизация управления логистики в промышленном предприятии.....	74
24.	ИМФ талабаси Ҳақназаров Д., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Кончилик корхоналарида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг иқтисодий хусусиятлари.....	76
25.	ИМФ талабаси Мамажонов О.Р., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТошДТУ Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар аҳамияти.....	78
26.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Саноат корхоналарида маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари.....	81
27.	ИМФ талабаси Олтибоев Ф.Ш., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Саноат корхоналарида чет эл инвестицияларини жалб этиш йўналишлари.....	82
28.	ИМФ талабаси Абдуллаева Д.Т., илмий раҳбар кат. ўк. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Корхоналар иқтисодий нозорлигининг асосий омиллари.....	84
29.	ИМФ талабаси Самандаров Т.А., илмий раҳбар кат. ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ. Брендингга методологик ёндашув – корхонанинг рақобатли устулигини ривожлантиришнинг янги босқичи сифатида.....	86

30.	ИМФ талабаси Курбонлов А.Ж., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Саноат корхоналарида нарх сиёсатини такомиллаштириш.....	88
31.	Студентка ФТУТК Махмудова Д.Р., ТАДИ научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Обоснование методов совершенствования мотивации и стимулирования труда работников маркетинговой службы автотранспортного предприятия.....	90
32.	ИМФ талабаси А. Рахматов., илмий раҳбар доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida real sektor korxonalarida marketing faoliyatini tashkil etish.....	95
33.	Студентка ФЭМ Усарова С., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Прямые иностранные инвестиции в промышленность Узбекистана.....	97
34.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат. ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ. Саноат корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш.....	99
35.	ИМФ талабаси Азизов С.С., илмий раҳбар кат. ўк. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларнинг роли.....	100
36.	ИМФ талабаси Қанонов Ж.Ж. ТДТУ илмий раҳбар и.ф.н., доц. С.А. Ибрагимова, ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобатдошликни ошириш йўллари.....	104
37.	ИМФ талабаси Курбонлов А.Ж., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Ўзбекистон Республикасида кончилик корхоналари маҳсулотларига нархларини шакллантиришни такомиллаштириш.....	107
38.	ИМФ талабаси Олтибоев Ф.Х., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	109
39.	Студент ФЭМ Абдуразақов Ж., ТГТУ научный руководитель доц. к.э.н. Якубова Д.М., ТГТУ. Значение иностранных инвестиций в структурных преобразованиях экономики.....	110
40.	Студентка ФЭМ Ташева М., научный руководитель ст. пред. Аллаева Г.Ж., ТГТУ. Роль инвестиций в развитии энергетической промышленности Республики Узбекистан.....	113
41.	ИМФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., илмий раҳбар кат. ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Юридик шахслар мол-мулк солиғи: умумий тушунча ва иқтисодий мазмуни.....	116
42.	ИМФ талабаси Жуманазаров М.И., ТДТУ илмий раҳбар катта ўқувчи Шагаипова Г.З., ТДТУ. Инновацион маркетингда интернет технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	127
43.	ИМФ талабаси Раҳмонкулова Г. М., ТДТУ илмий раҳбар и.ф.н., доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	130

5. Рақобатнинг кучайиши - акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати рақобатбардошликка мос келмаслиги низони юзага келтириши мумкин.

6. Корпоратив шантаж - миноритар акциядорлар иштирокидаги, акциядорлик жамияти ёки унинг йирик акциядорларини миноритарийлардан уларга тегишли акциялар пакетини бозор кийматидан қиммат нархга сотиб олиш ёки низони тўхтатиш учун воз кечишга ундашга йўналтирилган ҳаракатлар низони юзага келтириши мумкин.

Ушбу низоларни бартараф этиш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Корпоратив ҳуқуқ меъёрлар ва жараёнларни қонунчилик меъёрларига мослаштириш ҳамда акциядорларга ушбу меъёрлар бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш.

2. Акциядорлар гуруҳини корхона устидан назорат ўрнатишидаги низоларни таҳлилий ҳужжатлар асосида ҳисоботлар бериш орқали юзага келишини олдини олиш.

3. Дивидендлар бўйича низоларда йирик ва майда акциядорлар ўртасида ҳам таҳлилий ҳужжатлар асосида ҳисоботлар бериш.

4. Менежерлар ўз ҳаракатларини корхона ва акциядорларнинг манфаатларини инobatга олган ҳолда ташкил этиши ҳамда амалга ошириши зарур.

5. Рақобатнинг кучайганда акциядорлик жамиятига инвесторларни жалб этиш имкониятларини яратиш.

6. Корпоратив шантажда миноритар акциядорларни дивидендлар асосида йирик акциядорларга айлантириш имкониятларини шакллантириш.

Мазкур низоларни бартараф этишда таклиф этилаётган чоралар корxonани самарали корпоратив бошқарувида ишлаб чиқаришни ривожланишига йўналтирувчи инвестициялар оқимининг кириб келишига шарoнт яратади.

ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ
Илмий раҳбар кат.ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ

ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ЖИХАТЛАРИ

Ўзбекистонда электр энергетикасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари мавжуд бўлиб, бунда электр энергия бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, аҳоли ва ишлаб чиқариш объектларини сифатли электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш, энергетика корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, энергетик ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга

салбий таъсирини камайтириш ва Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими доирасида интеграцион жараёнларни янада ривожлантириш каби йўналишларни ташкил этади. Бунда энергетика корхоналарида замонавий ахборот тизимини амалиётга жорий этиш орқали эришиш мумкин. Мазкур ахборот тизимларига қуйидагиларни киритиш мумкин: корxonанинг ички ва ташқи имкониятлари ҳақида маълумот берувчи ахборот; ўзига хос характердаги қўшимча маълумотларни олиш мақсадида корxonада ўтказиладиган махсус маркетинг тадқиқотлари натижалари ҳақидаги ахборот; замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда корxonанинг истиқболли режасини тузиш ва амалга ошириш учун таянч ахборотларни киритиш мумкин.

Ички ахборот асосан корxonанинг ички аҳоли ва имкониятларини очиб беради. Унга, даставвал, корxonанинг ишлаб чиқариш, молия, сотиш, меҳнат ва бошқа ресурслари қиради. Қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги чекланган ресурсларни товар ассортиментини ва маркетинг дастурларига оптимал жойлаштириш шартин билан амалга оширилади. Бу ердан асосий вазифа келиб чиқади: фойданинг ўсиши учун маҳсулот таннархини даврий равишда камайтириб бориш зарур, бошқача қилиб айтганда, харажатлар ҳажми ва таркибининг шаклланиши устидан қатъий назорат сиёсатини олиб бориш зарур. Шу билан боғлиқ ҳолдаги ахборот технологияларни қўллаш натижасида қуйидаги омилларга эга бўлиш мумкин: маҳсулотнинг меъёрий ва ҳақиқий таннархини шакллантириш; тўғри ва эгри харажатларнинг таркиби ва миқдорини камайтириб бориш; ҳеч бўлмаганда чегараланган фойдага эга бўлиш; фойдалилик нуқтасини эгаллаш; нарх чегирмаларини корxonа фойдасига нисбатан шакллантириш мумкин.

Энергетика корхоналари бозор ҳолати, унинг инфраструктураси, харидорлар ва воситачиларнинг хатти-ҳаракатлари, таъминотчилар, рақобатчилар, шунингдек, давлат томонидан тартиблаштириш чора-тадбирлари ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотларни замонавий ахборот технологиялари ёрдамида олиши мумкин. Бу ерда қуйидаги характердаги фаолиятлар амалга оширилиши кузатилади:

➤ ташқи муҳит мониторинги (конъюнктура, жараёнлар ва тенденцияларни ўрганиш);

➤ муҳитдан нусха олиш (мавжуд ахборотларни олиш);

➤ муҳитни прогнозлаш (ривожланиш истиқболларини баҳолаш).

Мониторинг деб аниқ белгиланган, тор доирадаги маълумотларни доимий тўплаш, излаш тизимига айтилади. Мониторинг оммавий ахборот воситаларини ўрганишда энг кўп тарқалган. Кўпинча мониторинг объекти бўлиб реклама ва, биринчи навбатда, унинг радио ва, айниқса, телевидение каби воситалари ҳисобланади.

Замонавий ахборотларни қўллаш орқали корхона бевосита товарларни тақсимот (сотиш) каналлари орқали харидорларга етказиб беришни таъминлайди.

Энергетика корхоналари корхонани етарли даромадни таъминлайдиган ва харидор учун қулай бўлган нархни белгиловчи омилларни ҳам мазкур технологиялар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Давлат томонидан энергетика корхоналарини истиқболли ривожлантириш учун энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежовчи тизимларни жорий этишга оид чора-тадбирлар белгиланган. Мазкур чора-тадбирлар асосида истеъмолчиларни электр энергиясини мунтазам тўловини корхона билан тўғри ва оқилона олиб бориш учун автоматлаштирилган ҳисоб тизими жорий этилган. Мазкур замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали энергетика соҳаси истиқболли тизимга эга бўлиши мумкин.

ЭАФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., ТДТУ
Илмий раҳбар кат.ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯНИ ЖАЛБ ЭТИШДА СОЛИҚНИНГ РОЛИ

Маълумки ҳар қандай давлат давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни, айниқса чет эл самояларни узлуксиз жалб қилишни ва бунинг учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратилини талаб этади. Шубоис мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда хорижий инвестицияларни устивор лойиҳаларга йўналтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Юртимизда хорижий инвестициялар учун кўп жихатдан беқиёс, ўта қулай инвестициявий муҳит, имтиёз ва проференциялар тизими яратилган. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилдир. Бундай инвестициялар қўламини истиқболда янада кенгайтириш учун эса Ўзбекистонда улкан имкониятлар мавжуд. Шу маънода, инвестиция харажатларни молиялаштирида энг самарали манбалардан фойдаланиш аини муддаодир.

Хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради. Импорт ўрини босувчи товарларни ишлаб чиқаришни таъминлаш ва привордида аҳолининг турмуш даражасини янада кўтариш учун имкон яратади. Кичик бизнесни ривожлантириш ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали аҳолини иш жойлари билан таъминланади. Корхоналарнинг

эскирган ишлаб чиқариш қувватлари ва моддий-техника базасини янгилаш имконини беради.

Шу боис банклар инвестиция жараёларнинг фаол иштирокчиларга, инвестиция лойиҳаларни ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларни жорий этишда корхоналар ва кичик бизнес субъектларининг ҳақиқий ҳамкорларга айланиши керак.

Маълумки, банк тизимида хорижий инвестицияларни жалб этиш икки шаклда амалга оширилади: биринчиси, бевосита чет эл инвестицияси иштирокидаги банкларни ташкил этиш; иккинчиси маҳаллий банклар орқали инвестицияларни халқаро кредит шаклида жалб этиш.

Халқаро банк амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат банк тизимида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қуйидаги асосий шартлари мавжуд:

1. Чет эл инвестициясини қабул қилиб олаётган тижорат банкнинг тўловга лаёқатли бўлиши. Бунда асосий эътибор тижорат банкнинг капиталлашув даражасига қаратилади. Халқаро Базел стандартида тижорат банкларни умумий капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 8% қилиб белгиланган.

2. Тижорат банкларида инвестицияларни молиялаштириш учун зарур бўлган узоқ муддатли ресурсларнинг мавжудлиги. Узоқ муддатли ресурсларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат: банкнинг капиталлаштириш даражасини ошириш; узоқ муддатли депозитларни жалб қилиш; субординациялашдан қарз мажбуриятлардан чиқариш; банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларни чиқариш.

3. тижорат банкларни томонидан халқаро рейтинг компанияларнинг кредитга лаёқатлик рейтингларини олиш халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларни жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Маълумки банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нитижасида глобал жаҳон молиявий –иқтисодий инкирози даврида ҳам мамлакатимиз банк тизими нафақат барқарор ошиш суръатларни саклаб, балки айрим кўрсаткичлар бўйича халқаро стандартлар талабларидан ҳам юқори даражага эга бўлди.

Республикаимизда яратилган қулай инвестицион муҳит, тижорат банкларининг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлар ҳажмининг муттасил ошиб борётганлиги, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестицион молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиги ставкаларнинг жорий этилганлиги тижорат банкларнинг инвестицион фаоллигини янада оширишга ҳамда банкларнинг актив операциялар ҳажми, жумладан кредитлар ва инвестициялар имкониятларнинг ошишига замин яратмоқда.